O' BEKISTON
RE UBLIKASI
MI PALATASI
INV.

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 26 февраль, чоршанба • №16 (11.507) • Эркин нархда сотилади

Фаоллар йиғилиши

## ИМКОНИЯТЛАРНИ ИШГА СОЛИБ, БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИГА ЎТАЙЛИК

*Шу йилнинг 22 февраль куни Тошкент вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, вилоят ҳокимлигининг гуруҳ ва котибиятлари, бошқарма ва бўлимлари, жамоат ташкилотлари ва жамғармаларнинг раҳбарлари, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари, йирик корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этишди.*

Вилоят ҳокими Уммат Мирзақуловнинг «Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2002 йилги якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги маърузаси тингланиб, муҳокама қилинди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Козим Тўлаганов иштирок этиб, сўзга чиқди.

— Ўтган йили ижтимоий-иқтисодий соҳаларда белгиланган дастурларни рўёбга чиқариш борасида муайян ишлар олиб борилди, — деди маърузачи мажлис ибтидосида. — Шу жараёнларда эришилган натижаларни давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган сўнгги мажлисда қўйган вазифалар нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, ривожимизга тўғаноқ бўлиб турган муаммоларни бартараф этишнинг аниқ йўл-йўриқларини белгилаб олишимиз керак.

Айни шу мақсад ва кайфият бутун мажлис давомида сезилиб турди. Масалага шу жиҳатдан ёндошилиб, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, акцияларнинг сотилиши, иқтисодиётда хусусий секторнинг салмоғини ошириш чора-тадбирларининг натижалари кўриб чиқилди.

Аввало, йил давомида 89 та давлат корхонаси ва иншоотларнинг мулк шакли ўзгартирилганлиги таъкидланди. Хусусийлаштирилган корхоналарнинг акцияларини жисмоний шахслар томонидан сотиб олиш сўнгги бир йилда уч баробар кўпайди. «Электрокимёсаноат», «Аммофос», «Ўзбекрезинотехника» бирлашмалари, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли материаллар комбинатида мулк шакли ўзгарди. Эндиликда вилоятимизда турли мулк шаклидаги 17,9 мингта корхона ва ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 83,6 фоизини хусусий сектор корхоналари ташкил этади. Шу ҳисобдан 29,7 мингта замонавий иш ўрни очилди. Фаоллар йиғилишида вилоятимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг деярли 89 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, савдо ва пулли хизматларнинг деярли ҳаммаси нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келаётганлиги мамнуният билан таъкидланди.

Ўтган йили хусусий секторни ривожлантириш мақсадларига 13 миллиард сўм йўналтирилди. 6,3 миллион АҚШ долларлик ва 4 миллион евро миқдоридаги хорижий сармоя кичик ва ўрта бизнес эҳтиёжларига сарфланди. Солиқ, банк ва суғурта хизматини такомиллаштириш, назорат қилувчи идораларнинг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашувларини чеклаш ўз самараларини берди. Ялпи ички маҳсулот 3,1, шу жумладан саноат маҳсулоти 10, истеъмол буюмлари 9,8 фоизга кўпайди.

496 минг тонна дон етиштирилди. Ялпи даромад, шунингдек, аҳолининг реал даромади ўсди. Экспорт таркибида ижобий ўзгаришлар содир бўлди.

Шу билан бирга йиғилишда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш, сотилмай туриб қолаётган маҳсулотлар кўплигига алоҳида урғу берилди. Бу бежиз эмас, албатта. Шуни айтиш кифояки, ўтган йили мавжуд қувватларнинг фақат 52,4 фоизидан фойдаланилди. «Ўзбекэнергия» ва «Ўзбеккимёсаноат» тизимлари вилоят корхоналарининг аксарияти йилни зарар билан якунлади. Шу муносабат билан зарар кўриб ишлаётган корхоналарни тугатиш, давлат улушидаги акцияларни эркин савдога қўйиш, капитал қурилишлардаги тартибсизликларга, истеъмол

(Давоми 2-бетда).



*Қишнинг бир куни ҳам қиш,*
*Ортда қолар ҳар юмуш, ташвиш.*

*А.ТЎРАЕВ сурат-лавҳаси.*

Халқ депутатлари вилоят Кенгашида

## КЎЛАМЛИ, ТАЪСИРЛИ ВА САМАРАЛИ

фаолият долзарб ижтимоий-иктисодий масалаларни хал этишда халқ депутатлари вилоят Кенгаши доимий комиссиялари ролини кучайтирмокда

Вилоят, шаҳар ёки туманни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш, қонунчиликни мустаҳкамлаш, давлат ҳокимиятининг юқори идоралари қарорларининг ижросини таъминлаш, бюджет ва молия ишларини йўлга қўйиш, атроф муҳитнинг муҳофазаси масалалари — халқ депутатлари кенгашлари ўз фаолиятида қамраб оладиган вазифалар доираси ниҳоятда кенг. Уларни муваффақиятли ҳал этишда халқ депутатларидан ташкил этилган доимий комиссияларнинг роли ниҳоятда катта. Қуйидаги ҳикоямиз иккинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг фаолияти хусусида.

— Доимий комиссиямиз таркибига 40-Туркистон сайлов округидан депутат Абдусаттор Рашидов, 26-Қатортол сайлов округидан депутат Абдуқаюм Сайдалиев, 3-Геолог сайлов округидан депутат Абдужаббор Сайдуллаев, 15-Янгиобод сайлов округидан депутат Абдурашид Шарофиддинов каби катта ҳаёт тажрибаси ва ташкилотчилик малакасига эга бўлган юқори салоҳиятли кишилар сайланишган, — дейди доимий комиссия раҳбари 14-Трансформаторчилар сайлов округидан депутат Дониёр Азизхўжаев. — Улар иш режаларида кўзда тутилган масалаларни ўрганиш, Кенгаш сессияларига материаллар тайёрлаш жараёнларида фаол қатнашиб, ҳамиша жойларда ишларни яхшилашга қаратилган ниҳоятда фойдали таклифлар киритишяпти. Комиссия аъзолари шаҳар ва туманларга чиқиб ўрганаётган, аҳволни таҳлил этиб, зарур фикр-мулоҳазалар билдираётган масалалар жамият ҳаётида долзарблиги билан ажралиб туради. Чунончи, депутатлар гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг Олмалиқ шаҳри, Тошкент ва Қибрай туманларида бажарилишини ўрга-

(Давоми 2-бетда).

Вилоят ҳокимлигида

## ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ ДАСТУРИ — АМАЛДА

*Тошкент вилоят ҳокимлигида «Обод маҳалла йили» давлат дастурининг ижросини таъминлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.*

Унда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, бўлим ва бошқармаларнинг раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, уларнинг ижтимоий ва хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари иштирок этишди.

Йиғилишни Тошкент вилоятининг ҳокими Уммат Мирзақулов бошқарди.

Йиғилишда «Обод маҳалла йили» давлат дастурида ҳаётий муҳим масалалар ўрин олганлиги, уларни ҳал этиш ва белгиланган вазифаларнинг изчил бажарилиши маҳаллаларнинг нуфузини бекиёс кўтаражаги таъкидланди. Дастурнинг кўламлари шу қадар кенгки, унда қамраб олинган етти йўналишдаги саъй-ҳаракатлар маҳалла фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлашга, тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва савдони ривожлантиришга, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини кенгайтиришга, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари турмуш даражасини кўтаришга, спорт-соғломлаштириш, айниқса, болалар спорти даражасини оширишга хизмат қилади.

Йиғилишда Паркент, Қибрай, Бўстонлиқ, Юқоричирчиқ туманлари ва Бекобод шаҳрида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш борасида ибратли тажриба тўпланганлиги кўрсатиб ўтилди. Лекин, бир қатор шаҳар ва туманларда бу муҳим ишга етарли эътибор берилмаётир, шаҳарлар, қишлоқ ва овулларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш режалари ҳамиша ҳам изчил бажарилмаётир. Айниқса, Пскент, Бекобод, Чиноз, Қуйичирчиқ туманлари ва Чирчиқ шаҳрида бу соҳадаги ишлар бирмунча сустлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди. Шу боис режаларнинг ижроси бўйича мониторинг олиб бориш белгилаб қўйилди.

Йиғилишда «Обод маҳалла йили» вилоят дастури тасдиқланди, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлимлари, маданият ишлари бошқармасига анъанавий удумлар, тўйлар бошқа маросимларни ихчам ва тежамли ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш юклатилди.

## БОЛАЛАР СПОРТИ — ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

*Вилоят ҳокимлигида Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент вилояти бўлими Ҳомийлик кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, тегишли бўлим ва бошқармалар, жамғармалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари иштирок этишди.*

Маълумки, Оқсаройда Президент раислигида ўтган йиғилиш мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этди. Қисқа муддатда болаларга мўлжалланган спорт иншоотларининг намунавий лойиҳалари тайёрланди. Лекин уларни бунёд этишда асло шошма-шошарлик, енгил-елпи ёндошувларга йўл қўйиб бўлмайди. Аввало, уларни қаерда, қандай шаклда, қайси спорт турларига мўлжаллаб қуриш тўғри бўлишини чуқур таҳлил қилмоқ лозим. Шу муносабат билан спорт иншоотлари қурилишини чекка қишлоқлардан бошлаш зарурлигига эътибор қаратилди. Вилоят ҳокими мавжуд иншоотларни мукаммал таъмирлаш, уларни керакли анжомлар билан таъминлаш, бошланғич синф ўқувчилари ўртасида, шунингдек оилавий спорт мусобақаларини ташкил этиш ниҳоятда муҳимлигини уқтирди.

Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда болалар спортининг хилма-хил турларини кенг оммалаштириш, болаларда спортга қизиқишни кучайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш белгилаб қўйилди. Шу мақсадда вилоят халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари, жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, касаба уюшмалари вилоят кенгаши, «Маҳалла» ва болалар спортини ривожлантириш жамғармаларининг вилоят бўлимларига аниқ топшириқлар берилди.

Йиғилишда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими Ҳомийлик кенгашининг 2003 йилги иш режаси тасдиқланди.

ВИЛОЯТ ҳаёти

### ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ТАНЛОВИ

*Олмалиқ шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли санъат мактаби ўз қошидаги тўгаракларда таълим олаётган ўқувчи-ёшлар иқтидорини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими билан ҳамкорликда танлов ўтказди.*

Унда олтмишдан ортиқ ўқувчи санъатнинг саккиз йўналиши бўйича якка тартибда, «Экология» ва «Тарихий туризм» йўналишларида эса икки жамоа ўзаро беллашди.

Шеърият йўналиши бўйича ўзига хос истеъдод соҳибаси Қумри Маликова, спортнинг шоҳмот йўналиши бўйича эса, барча рақиблардан устун келган Сергей Иванов ва Юлия Меншоваларнинг ижодий изланишлари ижобий баҳоланди. Якка тартибда эришилган энг яхши кўрсаткичлар 5-мактаб ёшларига насиб этди.

Ғолибларга санъат мактаби ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгашининг фахрий ёрлиқлари ва совға-саломлари топширилди. Иқтидорли ёшлардан уч нафарига вилоят миқёсида бўлиб ўтадиган «Истеъдод-2003» мусобақаларида қатнашиш учун йўлланма берилди.

*Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.*

### «ЎЗ УЙИНГНИ ЎЗИНГ АСРА»

*Бекобод шаҳар маҳаллаларида шундай мазмундаги суҳбатларни ўтказиш давом этмоқда. Бу тадбирларнинг бири Собир Раҳимов маҳалласида бўлиб ўтди. Унда шаҳардаги ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг раҳбар ходимлари, ҳокимлик, қатор жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашдилар.*

Эркин суҳбат, савол-жавоб тарзида ўтган учрашувда маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, республикамиз Президентининг авф этиш тўғрисидаги Фармонининг бажарилиши, «Обод маҳалла йили» муносабати билан қилинаётган ишлар кўламини кенгайтириш ва маҳалла фаолиятини янги талаблар даражасига кўтариш билан боғлиқ ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Бундай суҳбатларни барча маҳаллаларда ўтказиш назарда тутилмоқда.

*Тўхтаниса ЖЎРАБЕКОВА.*

ВИЛОЯТ ҳаёти

«Ташаббус-2003»

### «МАДИНА» — ҒОЛИБ

*Бекобод шаҳрида «Ташаббус-2003» кўрик-танлови қизғин ўтди. Унда йигирмага яқин тадбиркор ва ҳунармандлар ғолиблик учун курашдилар. Хусусий ва кичик корхоналар, фирмалар раҳбарларининг кўпчилиги хусусий тадбиркорликни амалий ва назарий жиҳатдан билимдонлари эканликларини намойиш этди.*

«Мадина» хусусий корхонаси жамоаси ва унинг раҳбари Раъно Ҳамидованинг фаолияти юқори баҳоланди ва кўрик-танлов ғолиби деб топилди. Бу корхона кийим-кечаклар, кўрпа-тўшаклар, коржомалар ишлаб чиқармоқда. Айни вақтда аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг қатор турларини ҳам йўлга қўйган. Унинг бўлинмаларида 50 нафар фуқаро иш билан таъминланган.

Тадбиркорлик йўналиши бўйича иккинчи ўрин «Рустамбек» хусусий корхонаси соҳибаси Наима Ортиқовага насиб этди. Учинчи ўринга «Олов» хусусий фирмаси раҳбари Муяссар Холматова сазовор бўлди. Ҳунармандлик бўйича беллашувда бухороча зардўзлик буюмлари тайёрловчи Қумринисо Мирзаматова энг яхши кўрсаткичга эришди.

*Ўз мухбиримиз.*

*Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида «Тошкент Телеком» филиалининг Янгийўл телекоммуникация боғланмаси ва хиссадорлик жамияти ҳамда «Тошкент почтаси» Янгийўл филиали «Интернет» шахобчасини очди.*

### ЯНГИ ИНТЕРНЕТ ШАХОБЧАСИ

Бу ерда интернет тармоғи, компьютер тизимида ишлаш, компьютер ўйинлари, нусха кўчириш, ҳужжатларни тайёрлаш ва босиб чиқариш, халқаро факс алоқаси сингари ўндан ортиқ хизмат турлари кўрсатилмоқда.

*Камола КАРИМОВА.*

Тадбир

### ФОЙДАЛИ АНЖУМАН

*Тошкент вилояти Адлия бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш масалалари юзасидан машғулот-йиғилиш бўлиб ўтди.*

Унда саккиз туман ва шаҳар ҳокимларининг иқтисод масалалари бўйича ўринбосарлари, бошқа мутасадди идораларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Семинарда кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялашга доир қонун ҳужжатларига амал қилинишини яхшилаш масалалари кўриб чиқилди. Асосий эътибор бу соҳасидаги нуқсонларни бартараф этишга қаратилди.

*Ўз мухбиримиз.*

*Республика аграр соҳасида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг бугунги жараёнларини илмий-амалий йўналишда таҳлил этишда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти олимлари ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар.*

### ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Олий ўқув юртида машина-трактор парклари раҳбар ходимлари учун республика ўқув семинарининг ташкил этилиши ҳам айни муддао бўлди.

«Ўзагромашсервис» уюшмаси, республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда институт томонидан ўтказилган бу анжуманда машина-трактор парклари фаолиятларини замон талаблари доирасида йўлга қўйиш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

«Юқори унумли техникалардан самарали фойдаланишда мото-соатга ўтиш муаммолари», «Ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликларини замонавий техникалар билан таъминлаш ва сервис хизмати кўрсатиш муаммолари», «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини техника билан таъминлашда лизинг муносабатларини такомиллаштириш» каби йўналишлар бўйича қилинган маърузалар анжуманда катта қизиқиш уйғотди.

*Акбар АЛИЕВ.*

## Кичик ва ўрта бизнес — иқтисодиётимиз келажаги

# МАВҚЕИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

***Юқоричирчиқ туманида кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ҳақида гап борса, аввало, 919 ва 5680 рақамларини тилга олишади, бу бежиз эмас, албатта. Уларнинг маъно ва мазмуни кенг қамровлидир. Биринчи рақам туманда жорий йил бошигача рўйхатга олинган хусусий тадбиркорлик тузилмалари, иккинчиси уларда барпо этилган жами ишчи ўринлари сонидан далолат беради.***

Албатта, бундай кўрсаткичларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. У иқтисодиётимизнинг келажаги ҳисобланган кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, бу ишда иштирок этишга жазм қилган фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолият кўрсатишлари учун қулай шарт-шароитларни яратиб бериш юзасидан чиқарилган қонунлар, фармонлар ва қабул қилинган қарорларни туманда амалга ошириш юзасидан ҳокимлик ва барча мутасадди ташкилотларнинг ҳамкорликда олиб борган ишлари, кўрган чора-тадбирлари натижасидир. Бу ишлар самарасини янада чуқурроқ тасаввур қилиш учун бошқа рақамларни ҳам келтириб ўтиш лозим.

Аввало, туманда кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурга амал қилинаётир. Бунда халқ хўжалигининг барча тармоқларида иқтисодий ислоҳотларни жорий қилиш, биринчи навбатда хусусий мулкчиликни кенгайтиришга алоҳида эътибор берилган. Дастурга мувофиқ ўтган йили туманда 155 та кичик ва ўрта бизнес субъектларини барпо этиш назарда тутилган эди. Ҳаммаси бўлиб 237 та шундай тадбиркорлик тузилмалари рўйхатга олинди. Чунончи, уларнинг 205 тасини микрофирмалар ташкил этган бўлса, 32 таси кичик ва ўрта корхоналардир.

Жами рўйхатга олинган тадбиркорлик тузилмаларининг барқарор ишлашини таъминлашга алоҳида аҳамият билан қаралмоқда. Улар маҳаллий хом ашё ва ресурслар билан ишлаяпти, шу сабабли аксарият кўпчилиги барпо этилгандан бери тўхтовсиз маҳсулот бериб турибди. 883 та тадбиркорлик субъектлари ёки барча кичик ва ўрта бизнес корхоналарнинг 96,1 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Тадбиркорлик тузилмаларининг туман иқтисодиётидаги мавқеи йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Айни вақтда ишсизлик каби мураккаб муаммонинг юмшашига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Биргина ўтган йили кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ташкил этилиши натижасида деярли бир минг олти юзта янги иш ўринлари яратилди.

Бундай корхоналар жамоалари қўлидан чиққан маҳсулотлар ҳажми янча кўпайиб, туман ялпи ишлаб чиқаришининг учдан бир қисмидан кўпроғига тенг бўлди. Уларнинг қишлоқ хўжалигидаги улуши салмоқли бўляпти. Ўтган йили эса, бу кўрсаткич 62,3 фоизга борди. Ҳозирги вақтда туман ҳар минг аҳолиси ҳисобига саккизта кичик ва ўрта бизнес корхоналари тўғри келмоқда. Бу вилоят бўйича ўртача кўрсаткичдан анча юқори.

Туман иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчи тармоқ ҳисобланади. Шунинг учун бу соҳада деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Фаолият кўрсатаётган 516 та фермер хўжаликларига 4,5 мингдан ортиқ деҳқонлар бирлашган бўлиб, улар ихтиёрига 9,9 минг гектар ер бериб қўйилган. Улар ўтган йили 6511 тонна ғалла етиштиришди. 1698 тонна пахта хом ашёсини давлат омборига тўкдилар. 968 нафар фуқаро ҳам якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Улар ўтган йил давомида давлат бюджетига 96 миллион сўмликдан кўпроқ солиқ тўладилар.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш давомида туманнинг ташқи амалий алоқалари ҳам кенгайиб бормоқда. Бундай ҳамкорлик ўтган йили 7 миллион АҚШ долларига яқинлашди. Туманда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилиш тўла кичик ва ўрта бизнес корхоналари, тадбиркорлик тузилмалари улушига тўғри келмоқда. 2005 йилгача даврга мўлжалланган ва туманнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва ривожлантириш минтақавий дастури асосида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Дастурга мувофиқ чет эл инвестициялари ва янги технологиялар туман иқтисодиётига жалб қилинаяпти. Шу йўл билан тайёрланган сифатли маҳсулотлар ички бозор қатори чет элларга ҳам экспортга юборилмоқда. Биргина «Хван Ман Гим» фермер хўжалиги Россияга 297 минг АҚШ долларилик сабзавот маҳсулотларини етказиб берди. «Пах» масъулияти чекланган жамияти эса 84,6 минг, «Классик» хусусий фирмаси 47,2 минг АҚШ долларилик ўз маҳсулотларини хориждаги мижозларига жўнатдилар. Бундай фойдали ишда «Биз ва дунё», «Лактриса сервис» тадбиркорлик субъектлари ҳам тобора фаол қатнашмоқдалар.

Эндиликда туманда чет эл сармоядорларини жалб қилиб, қўшма корхоналар барпо этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилмоқда. «Жонпласт» шулар жумласидандир. У йилига 5 миллион АҚШ доллари миқдорида пластмасса қувурлари тайёрлашга мўлжалланган қўшма корхона бўлиб, келгуси йилда фойдаланишга топширилади. Ўтган йили эса, «Олтин камалак» Ўзбекистон — Афғонистон қўшма корхонаси тузилди. Паррандачилик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган бу корхонанинг бино ва иншоотларини тайёрлаш, асбоб-ускуналарини олиб келиш ишлари бошлаб юборилди.

Хусусий тадбиркорлик тузилмаларига мақсадли кредитлар ажратишда ижобий силжишлар юз бермоқда. Ўтган йили кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 73 миллион сўм ажратилиши лозим эди. Амалда эса, жами бўлиб 139,5 миллион сўм ҳажмида кредит берилди. Бу муҳим ишда акциядорлик-тижорат «Пахтабанк»нинг туман бўлими пешқадамлик қилмоқда. У 112 миллион сўмлик кредит ажратди. Халқ банки туман бўлимининг улуши эса 27,5 миллион сўмга тўғри келди. Бу маблағлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳолига хизмат кўрсатишни кенгайтириш, қурилиш соҳасига, тадбиркорларнинг бошланғич сармоясини шакллантиришга ишлаяпти. Кредитлардан 34 та фермер ва деҳқон хўжаликлари, қатор хусусий тадбиркорлар, хусусий фирмалар фойдаландилар.

Туманда бу йил хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан катта ва масъулиятли вазифалар турипти. Уни тўла уддасидан чиқиш учун мавжуд кичик ва ўрта бизнес субъектлари билан ишлашни янада яхшилаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни кучайтириш, самарали фаолият кўрсатишлари учун барча шароитларни яратиб бериш, бу соҳада йўл қўйилган нуқсонлар ва камчиликларни тўла бартараф этиш, берилаётган кредитлардан оқилона ва мақсадли фойдаланишга эришиш лозим. Ўйлаймизки, хусусий тадбиркорликни оммавийлаштириб, мулкдорлар синфини шакллантиришда муайян тажриба тўплаган юқоричирчиқликлар иқтисодиётнинг бу тармоғида янада юксак марраларни эгаллашлари учун ҳамма имкониятларга эгалар.

***Мирсобир МИРҲАМИДОВ.***

# АСОСАН ХОРИЖГА

***Юқоричирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» пахта тозалаш акциядорлик жамияти жамоаси қўлидан чиқаётган «оқ олтин» толаси ўзининг сифатлилиги билан харидоргир бўлмоқда.***



Бунга пахтани қайта ишлашда илғор технологияни қўллаш ва ишлаб чиқариш жараёнларида унга қатъий амал қилиш, ҳар бир ишчининг ўз вазифасига сидқидилдан муносабатда бўлиши туфайли эришилмоқда. Ўтган хўжалик йилида салкам 13 минг тонна хом ашё қабул қилиб олган корхона жамоаси ҳозиргача уни қайта ишлаб, 4 минг тоннадан ортиқ тола тайёрлади. Унинг деярли ҳаммаси хорижий мамлакатларга экспорт қилинди.

— Шу вақтгача чет эллик буюртмачиларга 3837 тонна маҳсулот етказиб бердик, — дейди корхона бош муҳандиси Суҳбат Соатуллаев. — Хориждаги мижозларимиз сони ортиб бормоқда. Улар орасида АҚШ, Англия, Швеция, Швейцария, Жанубий Корея, Чехия, Россия каби давлатлар бор. Қолганлари ички бозорга юборилди.

Корхонада уруғлик чигит тайёрлаш ишлари ҳам ниҳояланмоқда. Мавсумгача 300 тонна уруғлик тайёрлаш бўйича топшириқ яқин кунларда тўла бажарилади.





*СУРАТЛАРДА: товаршунос Турдигул Мирзакелдиева ва ишчи Ашурали Жўрабековлар чигит сифатини кўздан кечирмоқдалар (юқорида); смена устаси Отажон Каримов ва лаборант Каромат Тўлаевалар иш устида.*

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

# ЖОНЛИ МУЛОҚОТ

***Вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтида Тошкент вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси, Республика «Маънавият ва маърифат» ҳамда «Оила» марказлари ҳамкорлигида «Маҳалла тизими — ўз-ўзини бошқаришнинг миллий модели» мавзуида анжуман ташкил этилди.***

Унда вилоят шаҳар ва туманларидан малака оширишга келган 300 дан зиёд ўқитувчилар иштирок этдилар.

Анжуманда сўзга чиққан республика «Маҳалла» жамгармаси раиси Аъзамжон Гадойбоев, «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Аслиддин Болиев, «Оила» илмий-амалий маркази директори Васила Каримова, «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими раҳбари Суяр Қурбонқулов ва бошқалар «Обод маҳалла йили» давлат дастуридаги маънавий-маърифий ишларнинг моҳияти, обод маҳаллада соғлом оиланинг роли ва маҳаллаларда ўқитувчиларнинг бурч ва масъулияти ҳақидаги ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришди. Тадбир қизиқарли баҳс ва мунозараларга бой ҳолда ўтди.

***Ўз мухбиримиз.***

## Сўраган экансиз

### ЗАМОНАВИЙ БАНК ТИЗИМИДА — ЛИКВИДЛИК

*Кейинги пайтда радио, газета ва бошқа оммавий ахборот воситаларида «ликвидлик» сўзи тез-тез такрорланадиган бўлиб қолди. Илтимос, шу атаманинг маъносини тушунтириб берсангиз.*

***Абдуҳошим Шарофхонов, Бўка тумани.***

Иқтисодий ислоҳотларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш кўп жиҳатдан банк тизимига боғлиқ. Бу жараёнда активларни пул маблағларига айлантириш қобилияти ликвидликни англатади. Шу боис мамлакатимизда тижорат банкларининг ликвидлигини давлат томонидан бошқариш муаммоси юзага келди. Чунки банк тизимидаги ноликвидлик макроиқтисодий сиёсатнинг барқарорлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатиши аниқ. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида муаммонинг долзарблиги янада ошди, чунки олиб борилаётган ислоҳотлар муваффақиятининг бош омилларидан бири банк тизимининг ишончли фаолият кўрсатишидир.

Шундай экан, тижорат банклари кундалик фаолиятларида муаммоларни ҳал этиб боришлари лозим. Улар ўз операцияларининг фойдалилигига эришиш, ликвидликнинг зарур даражасини сақлаб қолиш ва тўловга лаёқатлиликнинг зарур даражасига эришиш муаммоларини ҳал этиб боришлари керак. Шу ўринда яна бир гап. Банкнинг даромадлилиги ва ликвидлик қарама-қарши кўрсаткичлардир. Юқори ликвидликни таъминлаш банкнинг юқори даромадлилигига эришишига тескари, чунки, ликвид активлари ноликвид активларга нисбатан кам фоиз келтиради. Демак, ликвидлик ва фойдалиликни меъёрида шакллантириш учун банклар ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиб боришлари лозим.

Банкларда актив ва пассив операцияларнинг бир пайтда самарали бошқарилиши бу муаммонинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди. Улар актив операцияларни ўтказиш учун пул ресурсларига эҳтиёж сезадилар. Банкларни пассив операцияларни амалга ошириш орқали жалб этиш мумкин ва шундан сўнг банк белгиланган муддатларда ўзининг қарз мажбуриятларини қоплаб бориши лозим.

Банклар кўп усуллар билан ресурсларни кўпайтиришлари мумкин. Доимий равишда депозитларни жалб қилиш, банклараро ёки Марказий банк кредитларини олиш каби усуллар шулар жумласидандир. Мавжуд хатарни камайтириш учун етарли чораларни кўриш йўли билан ликвидлик мустаҳкамланиши мумкин.

***Нодир РАШИДОВ, Тошкент Молия институтининг магистранти.***

## Халқ депутатлари вилоят Кенгашида

# КЎЛАМЛИ, ТАЪСИРЛИ ВА САМАРАЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ниб чиқди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари, жамоат ташкилотларининг бу соҳадаги фаолияти чуқур таҳлил қилиниб, асосий эътибор аҳоли ўртасида миллий мафкурани ёйиш, янгича тафаккурни шакллантириш, ёшлар онгига аждодларимизнинг қаҳрамонона ватанпарварлик фазилатларини сингдириш чора-тадбирларини кенгайтиришга қаратилди. Доимий комиссия катта йиғин ва мажлислар ўтказиш йўли билан эмас, балки маҳаллаларда, мактаб ва ўқув юртларида муайян тоифадаги аниқ одамлар билан тарбиявий иш олиб бориш, тарғибот-ташвиқот ишларида халқ депутатларининг бевосита иштирокини таъминлаш лозимлигини кўрсатиб берди. Пировардида бу масала халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессиясида муҳокама қилиниб, ишларни яхшилашга қаратилган амалий тадбирлар белгиланди.

Доимий комиссия фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, муассасалар, ташкилот, корхона ва хўжаликларда юридик ҳуқуқий хизмат ташкил этилишининг аҳволи, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган фармонлар ва қарорларнинг бажарилиши, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган ишларни мунтазам ташкил этиб бораётир. Халқ депутатлари киритган таклиф-мулоҳазалар ишни ҳар жиҳатдан яхшилашга хизмат қилмоқда.

Яқинда доимий комиссия йиғилиши 2003 йилги иш режасини тасдиқлади. Унда ҳам ниҳоятда долзарб, муаммоли масалалар қамраб олинган. Комиссия аъзолари уларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва ишни яхшилашга қаратилган таклифлар тайёрлаш юзасидан ўз саъй-ҳаракатларини яна ҳам конкретлаштириб олишди.

Ҳар бир масалани муҳокама қилишдан олдин комиссия аъзолари шаҳар ва туманлардаги аҳволни чуқур ўрганадилар, зарур ҳолларда тўпланган материаллар бошқа комиссиялар билан биргаликда ўтган қўшма мажлисларда кўриб чиқилади. Асосий эътибор қонунлар, фармонлар, қарор ва фармойишларнинг ижроси билан боғлиқ масалаларга қаратилади. Комиссия кейинги пайтда олтита ана шундай муҳим ва долзарб масалани кўриб чиқиб, уларнинг айримларини вилоят кенгаши сессияси муҳокамасига киритди. Чунончи, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонуннинг ижро этилиши, вилоят ҳокимининг давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашда аҳоли ҳамда «Чегара посбонлари» жамоат тузилмалари ролини оширишга қаратилган қарор ва фармойишларининг бажарилиши билан боғлиқ масалани ўрганиб, сессия муҳокамасига киритиш айниқса самарали бўлди. Бу масала юзасидан сессия қарорига асосан чегара посбонлари тузилмаларининг хизмат шароитларини яхшилаш, уларни алоқа ва транспорт воситалари билан таъминлашга доир аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, амалга оширилмоқда. Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш муқаддас бурч эканлигини ҳар бир фуқаронинг онгига сингдиришга қаратилган тадбирлар янада кўламли, таъсирли ва самарали тус олдирилаяпти.

Доимий комиссиянинг ана шундай изчил фаолияти долзарб муаммо ва масалаларга ечим топилишига хизмат қилаётир.

***Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.***

## Фаоллар йиғилиши

# ИМКОНИЯТЛАРНИ ИШГА СОЛИБ, БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИГА ЎТАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

буюмлари ишлаб чиқариш ва бозорни ўз товарларимиз билан тўлдиришдаги қолоқликларга барҳам бериш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Қурилишларда смета нархларини, қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини сунъий ошириш ҳолларига йўл қўйилмоқда. Уй-жой-коммунал хизматлар соҳаларида камчиликлар қаттиқ танқид қилинди. Бепарволик ва ўзибўларчилик коммунал хизмат корхоналарида дебитор қарзлари ошишига сабаб бўлаётгани кўрсатиб ўтилди. Бундай қарзларнинг катта миқдори Олмалиқ, Чирчиқ ва Ангрен шаҳарлари, Ўртачирчиқ, Янгийўл, Зангиота ва Қуйичирчиқ туманлари зиммасига тўғри келади. Айниқса, газ ва сув учун тўловларни ундириш сусткашлик билан олиб борилмоқда. Айни пайтда ўлчагичларни ўрнатиш режалари бажарилмаётир. Баъзи шаҳар ва туманларда хонадонларни ўлчагич мосламалар билан таъминлаш газ бўйича 18-30, сув бўйича 6-12 фоизни ташкил этганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг натижалари алоҳида талабчанлик билан муҳокама қилинди. Ўтган йили вилоятда 391,7 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирилди. Бунда деҳқон ва фермер хўжаликларининг улуши 73 фоиздан ошди. Соф фойда олиш, дивиденд тўлаш даражаси кўтарилди.

Лекин пахта етиштирувчи ширкат ва фермер хўжаликларининг ҳар учинчиси, пудратчиларнинг ҳар иккинчиси шартнома мажбуриятларини бажармади. Ғаллачиликда ғоят баракали келган ўтган йилги шароитда ҳам хўжаликларнинг 14 фоизи, оилавий пудратчиларнинг ҳар учинчиси давлатга ғалла сотиш буюртмасини бажара олмади.

Шу муносабат билан йиғилиш иштирокчиларининг эътибори ислоҳот талабларига риоя этишдаги расмиятчилик ва юзакичилик ҳолатларига қаратилди. Қишлоқ хўжалигида кадрлар қўнимсизлиги ҳамон кучли. Натижада янги муносабатлар амалиётга суст татбиқ этилмоқда. Бу шартномаларни тузиш ва уларга риоя этиш, ишларни пудрат асосида ташкил қилиш, чек тизимини йўлга қўйиш жараёнларида, айниқса, яққол намоён бўлаяпти.

Йиғилиш қатнашчилари товар-моддий бойликларни олиб кириш ва олиб чиқиш билан боғлиқ муаммоларга алоҳида эътибор билан ёндошишди. Ўтган йили бу борада 2729 та ноқонуний ҳатти-ҳаракат аниқланиб, 132 та жиноий ва 2537 та маъмурий иш қўзғатилган. Шунга қарамай, бу ишлар ҳануз етарли даражада эмас. Шу муносабат билан чегара туманларининг ҳокимликлари, чегара, божхона ва ички ишлар хизматларига жиддий эътирозлар билдирилди.

Маълумки, Президентимиз Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаларида иқтисодиётни эркинлаштириш, унинг мутаносиб ва барқарор ривожланишини таъминлаш, пировардида аҳоли фаровонлигини ошириш ислоҳотларнинг бош мақсади эканлигини алоҳида таъкидладилар. Албатта, масалага шу нуқтаи назардан ёндошиб, фаоллар йиғилишида вилоятни 2003 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Хўжаликни бошқариш идоралари олдига аниқ вазифалар қўйилди. Вилоятда мавжуд интеллектуал ва иқтисодий салоҳиятдан ўринли ва оқилона фойдаланиш, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш барқарор, самарали ўсишнинг асосий омили эканлиги таъкидланди.

Йиғилишда тегишли қарор қабул қилинди.

## Касаба ҳаёти

# ҚОНУНЛАР УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАБ

***Қуйичирчиқ туманидаги Отажонов номли ширкат хўжалигида вилоят агросаноат мажмуи касаба ташкилотлари етакчиларининг бир кунлик ўқув-машғулоти бўлиб ўтди.***

Унинг иштирокчилари — туманлар, корхона ва хўжаликлар касаба қўмиталарининг раислари жамоа шартномалари бажарилишининг ўтган йилги якунлари ва 2003 йил учун жамоа шартномалари қабул қилишнинг асосий мезонлари ҳақидаги маъруза ва ахборотларни тинглашди. Иш берувчилар билан жамоа шартномаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнларида ишловчиларни ижтимоий ҳимоялаш, улар меҳнатининг муҳофазаланиш даражасини ошириш, «Обод маҳалла» йилида бу муҳим қонун ҳужжатларига киритиладиган қўшимчалар хусусида фикрлашиб олинди.

Ўқув иштирокчилари Отажонов номли ширкат хўжалиги касаба ташкилотининг маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ишларини ташкил этиш тажрибаси билан танишишди.

Машғулотлар тугагач, «Тошкент ҳақиқати» мухбири баъзи касаба ходимлари ва етакчилари билан суҳбатлашди.

Тошкент вилоят касаба қўмитаси ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш бўлимининг мудири Бахтиёр Холмирзаев:

— Кейинги йилларда қабул қилинаётган жамоа шартномалари тобора аниқ мақсадларга қаратилаётир. Уларда меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнатни муҳофазалаш ва техника хавфсизлигини таъминлаш, дам олдириш ва соғломлаштириш, ишлаб чиқаришда соғлиққа етказилган зарарни қоплаш ва бошқа имтиёзлар аниқ-равшан кўрсатила бошланди.

Бугунги кунда вилоятимиз агросаноат мажмуида 577 та жамоа шартномаси, 6 та вилоят ва 5 та туман даражасидаги битимлар амал қилмоқда. Уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш таъсир доираси 203 минг ишловчини қамраб олган.

Юқоричирчиқ туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги касаба қўмитасининг раиси Абдунаби Умиров:

— Жамоа шартномаси эндиликда иш берувчилар билан жамоа аъзолари ўртасида меҳнат муносабатлари, бошқа ижтимоий масалаларни ҳал қилишда таъсирчан қонун ҳужжатига айланди. Унга таяниб, касаба қўмитамиз ишловчиларнинг ижтимоий манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқларини тобора ишончли ҳимоя қилаётир. Меҳнат қонунларининг бузилишига йўл қўймаслик, хавфсиз ва соғлом иш шароитларини яратиш, ишловчиларни махсус кийим ва ҳимоя воситалари билан таъминлашга шу асосда эришаётирмиз. Шуни айтиш кифояки, хўжалигимизда турли йилларда ўн бир киши ишлаб чиқаришда жароҳат олган. Уларнинг манфаатларини ҳимоялашда жамоа шартномамизнинг таъсири катта. Чунончи, ўтган йили бу кишиларга 2 миллион 870 минг сўм нафақа тўланишига эришдик.

Оҳангарон тумани касаба қўмитасининг раиси С. Каримов:

— Касаба қўмитасининг раиси малакали, билимдон бўлиб, ўз бурчини тўлиқ билса, қонун ва қарорларга амал қилиб ишласа, жамоа шартномаларининг талаблари тўлиқ бажарилади. Бир мисол. 2002 йилнинг май ойигача МТП ва уч ширкат хўжалигида иш ҳақидан қарздорлик 3,5 миллион сўмни ташкил этарди. Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига амал қилиб, биз бу қарздорлик тугатилишига эришдик. Бугунги кунда иш ҳақида муддати ўтган қарздорлик йўқ.

Бекобод туман «Деҳқонобод» ширкат хўжалиги касаба қўмитасининг раиси Т. Басмуродов:

— Биз жамоа шартномаси тобора тўлиқ бажарилишига эришмоқдамиз. Чунончи, ўтган йили унинг 70 тадан 66 та бандининг қоида ва талаблари тўлиқ бажарилди. Бу тадбирлар учун деярли 45 миллион сўм маблағ сарфланди. Ёки бу харажатлар ҳар бир ишловчи ҳисобига 42,3 минг сўмни ташкил этди. Эндиликда жамоа шартномасига кўра, хўжалик олаётган фойданинг 50 фоизи ишлаб чиқаришга, янги технологияларни жорий этишга, 40 фоизи ходимларни рағбатлантиришга, 10 фоизи оммавий-маданий ишларни ривожлантиришга сарфланмоқда.

Асосий қонунимизни ўрганамиз

# ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ




*79-модда. Олий Мажлис йиғилиши жами депутатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирдагина ваколатли ҳисобланади.*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг йиғилишларида қонунлар ва қарорлар қабул қилинади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сайловдан кейинги биринчи Мажлиси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловдан сўнги икки ойдан кечиктирмай чақирилади. Олий Мажлиснинг янги чақириқ биринчи сессиясининг биринчи мажлисини Марказий сайлов комиссиясининг раиси очади ва у мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг раиси сайлангунга қадар бошқаради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг идораларининг фаолият тартиби Олий Мажлис томонидан 1995 йил 5 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Регламенти» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида чиқарилган бошқа қонунлар асосида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолиятининг масалалари жамоа бўлиб, эркин муҳокама қилиб ҳал этишга, ошкораликка, Олий Мажлис тузадиган органлар ҳамда сайлайдиган ва тайинлайдиган мансабдор шахсларнинг жамоатчилик фикрини доимий тарзда ҳисобга олишига асосланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ишининг ташкилий шакли — Сессия ҳисобланади.

Олий Мажлис сессияси унинг йиғилишларидан, шунингдек, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг, ёҳуд бошқа органларининг сессия мажлислари оралиғидаги даврда ўтказиладиган мажлислардан иборат бўлади.

Олий Мажлис сессиялари Олий Мажлис раиси томонидан заруратга қараб, лекин бир йилда камида икки марта чақирилади. Олий Мажлис раиси сессияни чақириш тўғрисидаги масалани Олий Мажлис Кенгашининг муҳокамасига киритишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда сессия Олий Мажлис кенгаши томонидан чақирилиб, бу хусусда қарор қабул қилинади. Сессияни чақириш тўғрисидаги қарор ҳамда унинг муҳокамасига киритиладиган масалалар ҳақидаги ахборот Олий Мажлис депутатларига ва аҳолига оммавий ахборот воситалари орқали олдиндан маълум қилинади.

Олий Мажлис муҳокамасига киритилаётган қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари депутатларга олдиндан, яъни қоида тариқасида, сессия очилишидан камида ўн кун олдин тақдим этилади. Олий Мажлис сессиясига тайёргарлик кўриш учун ишчи гуруҳи тузилади. Депутатлар ишчи гуруҳига одатда Олий Мажлис раисининг муовинларидан бири бошчилик қилади ва сессиянинг кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан депутатлар билан катта тайёргарлик ишларини олиб борадилар. Олий Мажлиснинг сессияси қачон ва қаерда ўтказилиши тўғрисидаги, шунингдек, сессияда қатнашиш учун келаётган депутатлар қачон ва қаерда рўйхатга олиниши ҳақидаги хабар сессия очилишидан камида уч кун олдин республика ва вилоят газеталарида эълон қилинади. Шунингдек, телевидение ва радио орқали ўқиб эшиттирилади. Олий Мажлис сессиясида раислик қилувчи унинг мажлисларини очади ва ёпади, маърузалар қилиш ва нутқлар учун сўз беради, қонунлар, қарорлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини, депутатларнинг кўрилаётган масалаларга доир таклифларини овозга қўяди ҳамда овоз бериш натижаларини маълум қилади ва Олий Мажлис сессиясининг котибиятига депутатлардан тушган сўровлар, саволлар, маълумотлар, хабарлар, аризалар ва таклифларни ўқиб эшиттиради ҳамда мажлислар залида тартиб-қоидани таъминлайди. Зарур ҳолларда раислик қилувчи келишмовчиликларни бартараф этиш ҳамда Олий Мажлиснинг иши давомида юзага келадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш учун депутатлар гуруҳлари, фракциялар ва блокларнинг раҳбарлари билан маслаҳатлашиб олади. Олий Мажлис ҳар бир сессиясининг мажлислари даврида сессия котибияти тузилади. Котибиятнинг вазифаси Олий Мажлис йиғилишларининг стенограммаси юритилишини ташкил этиш, сўзга чиқиш истагини билдирганларни ёзиб бериш, депутатлар сўровлари, саволлар, маълумотлар, хабарлар, аризалар ҳамда таклифларни, шунингдек, депутатларнинг бошқа материалларини рўйхатга олиш, фуқаролардан Олий Мажлис номига келаётган мурожаатлар ва бошқа ҳужжатлар билан ишлашни ташкил қилишдан иборат. Олий Мажлис депутатлари, одатда, энг аввало, сессиянинг кун тартибини муҳокама қиладилар ва қабул қиладилар. Кун тартибига доир таклифлар Олий Мажлис Кенгаши томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилади. Олий Мажлис ўзининг биринчи йиғилишида ўзи сайлайдиган мандат комиссиясининг тақдимига мувофиқ, депутатларнинг ваколатларини тўғри, деб топиш тўғрисида, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолларда эса, айрим депутатларнинг ваколатларини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида қарор қабул қилади. Олий Мажлисда кўрилаётган масалалар бўйича музокараларни тўхтатиш сессияда ҳозир бўлган жами депутатларнинг кўпчилиги томонидан очиқ овоз бериш орқали амалга оширилади. Олий Мажлиснинг йиғилишларида кўрилаётган масалаларга доир қарорлар ҳам очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдан ташқари сессияси Олий Мажлис раиси томонидан унинг ташаббуси билан ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ёҳуд Олий Мажлис депутатлари камида учдан бир қисмининг таклифи билан чақирилади.

***Эргаш САЙИТОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари, 3-даражали адлия маслаҳатчиси.***

# ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ МАҲАЛЛАЛАРДА

*Омма ўртасида тиббий маданиятни кўтариш масаласи Янгийўл шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг доимий диққат-эътиборида.*

Бу борада бир қатор тадбирлар амалга оширияпти. Шаҳар марказий шифохонаси саломатлик маркази билан ҳамкорликда маҳаллалар ва ўқув юртларида савол-жавоб кечалари ҳамда учрашувлар ўтказмоқда.

Биргина ўтган ҳафтада малакали тиббий ходимлар шаҳарнинг Мезон, Охунбобоев, Рамадон ва Файзиобод маҳаллалари аҳолиси билан жонли мулоқотда бўлдилар.

***Зуҳра ҲАЙДАРОВА.***

**Шаҳар ва туманларда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, жамиятимизга ёт бўлган иллатларнинг пайини қирқиш, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тобора изчил тус олмоқда. Бу жиҳатдан «Тозалаш» профилактик амалиёти муҳим аҳамият касб этаётир. Бу тадбир бошланганидан буён ўтган қисқа муддатда 171 та жиноят аниқланиб, кўплаб оилавий жанжаллар, кўча-кўйда безорилик ҳолатлари бартараф этилди. 25 та жиноий иш очилиб, 408,2 грамм гиёҳвандлик моддасининг «ҳаракати»га чек қўйилди. Юқоричирчиқ туманида яшовчи И. Файзуллин хонадонидан эса 490 грамм марихуана топилди.**

# БУТУН ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ИШИ

Вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тадбирлари кучайтирилмоқда




## «МИЛТИҚ — ЎЙИНЧОҚ ЭМАС»

Ўқотар қурол билан эҳтиёт бўлиб муомала қилинмаса, ташвишу фожиа келиб чиқиши ҳеч гап эмас. Айниқса, жаҳл, жаҳолат устида. Бўка туманидаги Навоий номли ширкат хўжалигида шу йил январь ойининг бошларида оз бўлмаса, фожиа юз бераёзди. Қорақудуқ қишлоғилик У. Жўраев Абдуғани Хўжамовга: «Ўлдираман!» дедию, уйида яшириб юрган қўшоғиз ов милтиғи ёдига тушиб қолди. Уни олганича ҳамқишлоғининг уйига чопди. Яхшиямки, энди тепкини босаётганида Шерхон Хўжамов пайдо бўлган-у қуролни чаққонлик билан ерга босиб қолган.

Ички ишлар ходимлари «Антитеррор», «Арсенал», «Тун», «Тозалаш» тадбирлари мобайнида назорат-лицензиялаш тизими рўйхатида турган халқ хўжалик иншоотлари, ов қуроллари билан савдо қилувчи дўконлар, хонадонлардаги милтиқлар, уларнинг сақланишини текшириб чиқишаётир.

— Амалдаги қоидага кўра қуролни сақлаш учун махсус темир қути ва овчилик гувоҳномаси бўлиши зарур, — дейди вилоят ички ишлар бошқармасининг бўлим бошлиғи, милиция подполковниги А. Жуманов. — Акс ҳолда ов қуролларидан фойдаланишга рухсат этилмайди. Чунки, қурол ашаддий жиноятчи, ёш болалар, ақли заиф шахслар қўлига тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Тегишли рухсатномасиз ўқ отар қурол, шунингдек, ўқ-дори, портловчи моддалар ёки материалларни сақлаш жиноят ҳисобланиб, ундай шахслар

Тозалаш

жавобгарликка тортилади. Ўтган йили ўтказилган тадбирлар натижасида бундай кишилардан 200 та ноқонуний сақланаётган қурол олиб қўйилди. Бу соҳада қонунбузарликка йўл қўйган 96 киши жавобгарликка тортилди.

Аммо, гоҳи-гоҳи бўлсада, вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида қурол билан боғлиқ нохуш воқеалар содир бўлаётир. Тошкент Давлат аграр университетининг талабаси Артур Қўйилиқда наманганлик тадбиркор Муродалининг «Нексия» автомашинасига ўтириб, Оҳангарон шаҳрига олиб бориб қўйишни сўрайди. Йўлда ҳайдовчини қирқма милтиқ билан қўрқитиб, тушириб юборади-да, автомашинани олиб қочади. Тўғри, ҳеч қанча вақт ўтмай, машина ўғриси ушланди. Эндиликда «Қирқма милтиқ талабанинг қўлига қандай тушиб қолди?» деган савол ойдинлаштириляпти.

Текширишлар чоғида Янгийўл шаҳрида яшовчи Қаҳрамон Абдураҳимовдан «револвер» тўппончаси олиб қўйилди. Тожикистон Республикасининг фуқароси Абдуали Абдуғаффоров бир ўқдон, саккиз дона ўқ билан бир пистолетни Наманган вилоятининг Чуст туманида яшовчи Фаёз Исломовга бераётганида ушланди.

Тушунтириш ишлари ва кейинги тадбирлар мобайнида 91 фуқаро шу пайтгача ноқонуний сақлаб келган ов милтиқларини ўз ихтиёри билан топширди. Ички ишлар идораларининг ходимлари профилактика ишларини изчил давом эттираётирлар. Ҳар бир овчининг ўз милтиғини қандай сақлаётгани текшириб чиқилмоқда.

***СУРАТЛАРДА:** учрашувдан лавҳалар.*



## ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Ички ишлар ходимлари маҳаллаларда паспорт қоидаларини бузаётганлар, профилактик ҳисобда турувчилар, ичкиликка ружу қўйган ва ҳуқуқбузарлик содир этиши мумкин бўлган кишилар билан ташкилий-тарбиявий ишларни кучайтираётирлар. Ҳокимликлар, қишлоқ фаоллари билан биргаликда учрашувлар ва бошқа тарбиявий тадбирлар ўтказилаяпти.

Бекобод шаҳридаги шундай учрашувлар «Огоҳлик — давр талаби», «Ўз уйингни ўзинг асра» шиорлари остида ўтди. Уларда милиция ва халқ ҳамкорлигини кучайтириб, халқаро терроризм, диний экстремизм, гиёҳвандлик каби иллатларга қарши биргаликда кураш олиб бориш лозимлиги ҳақида гапирилди. Нотиқлар ҳар бир фуқаронинг огоҳлиги тинчлигимиз ва осойишталигимиз омили эканлигини алоҳида таъкидлашди.

— Маҳалламизда тарғибот ва тарбия ишларини мунтазам тус олдирдик, — деди Тинчлик маҳалласи оқсоқоли Носиржон Эгамбердиев. — Бу яхши натижа бераяпти.

«Тозалаш» тадбири давомида дала ҳовлилари, узоқ муддат бўш қолган уйлар текшириб чиқилди. Маҳалла посбонлари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида 4 та жиноят аниқланди. Айланма йўллар орқали героин олиб келган Тожикистон фуқароси Феруза Ризаева қўлга олинди. Шундай оғуни сотиш билан шуғулланувчи Шуҳрат Ёрматов билан Зилола Ёрматованинг жиноий ҳаракатларига ҳам чек қўйилди.

### Тезкор хабарлар

#### ҚОЗОН ЎҒРИСИ УШЛАНДИ

Тўйтепа. Ўртачирчиқ туманининг Бектемир шаҳарчасида яшовчи Темирбойнинг хонадонидан нархи 9,5 минг сўм бўлган алюмин қозон ўғирланди. «Тозалаш» тадбири жараёнида бу жиноятни Янгибозор шаҳарчасида яшовчи Рамил содир этганлиги аниқланди. Эндиликда у қозонни нима қилмоқчи бўлганини тегишли идораларга тушунтириш билан овора.

#### ОЛҒИРЛАР ЖАВОБ БЕРМОҚДА

Олмалиқ. Азимжон дўсти Тожибой билан гапни бир жойга қўйди. Улар қулай вақт топиб, кон-металлургия комбинати сув хўжалиги дамбасидаги электр тармоғидан симни кесиб ўғирлашаётганида қўлга олинди. Текшириш натижасида улар 60 минг сўмлик симни кесиб олишгани аниқланди. Бўстонлиқда Исматбек ҳам 70 минг сўмлик металлни ўғирлаш юзасидан тергов қилинмоқда. У ўғирликни Искандар шаҳарчасидаги «Энергоқурилиш-индустрия» корхонаси темирйўл цехида содир этган.

Бугуннинг гапи

*— Юртимизни тинчлик, хотиржамлик. осойишталик ҳеч қачон тарк этмасин. Халқимизнинг боши омон, етти мучаси соғ бўлсин, Ватанимизга ҳеч ҳам кўз тегмасин.*
*Бундай дуолар ҳар бир оилада, катта-кичик davраларда отахону онахонларимизнинг тилларидан тушмайди.*

## ДИЛЛАРГА ЙЎЛ ТОПИБ

Шунинг учун бўлса керак, дунёда шундай алғов-далғовли вазиятлар бўлишига қарамай, заминимиз осойишта, халқимиз хотиржам умргузаронлик қилмоқда.

Аммо, мамлакатимизга ғаразли кўз олайтиришлар яна ва яна огоҳ бўлишимизни, хушёр туришимизни, бу тинчлик, бу фаровонликнинг қадрига етишимизни тақозо этмоқда.

Гап шундаки, дунёни ларзага келтираётган терроризм, гиёҳвандлик балолари бугун оч бўридек бизга ҳам ҳамла қилишга шай. Айрим ҳолларда эса юртимизда бўлаётган нохуш ҳодисалар бу балолар Ўзбекистонга ҳам соя солишга интилаётганидан далолат бермоқда.

Ўтган бир йил давомида республика бўйича 250 нафардан зиёд турли гуруҳларга мансуб шахслар қўлга олинган. Улардан 8 та граната, 25 та тўппонча ва бошқа қатор совуқ қуроллар, шунингдек, ғаразли ниятларда ёзилган 19 минг дона китоб, турли варақалар, 19 та ноқонуний босмахона аниқланган.

Кишини ташвишга соладиган яна бир муаммо шуки, дунёда гиёҳвандлик тобора кенг ёйилиб бормоқда. Айниқса, ёшлар ўртасида бу вабонинг тарқалиши янада кучли. Маълумотларга қараганда, 1996 йилда мамлакатимизга олиб киришга уринилган бор-йўғи 96 грамм гиёҳвандлик моддаси ушлаб қолинган бўлса, 2002 йилга келиб, бу кўрсаткич бир тоннадан ошиб кетган. Ўзбекистонда ҳам гиёҳвандлик савдоси ва унга ружу қўювчилар сонини кўпайтиришга урунувчилар ва бундай нопок йўл билан мўмай даромад олишни кўзлаётганлар тобора кўпайиб бормоқда.

Афғонистон ҳукумати томонидан гиёҳванд моддалар ўстиришни тақиқлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қабул қилинганига қарамай, қўшни мамлакатда бу иш билан шуғулланувчилар кўпайиб бормоқда.

Чегара мустаҳкамлиги, мудофаа ва ички ишлар тизимидаги фаолиятларнинг тобора такомиллашиб бораётгани айниқса аҳамиятлидир. Аммо, буларнинг ўзи билангина мақсадга эришиб бўлмайди, албатта. Бутун жамоатчилик бир ёқадан бош чиқариб, халқ ўртасида, айниқса ёшларга бу каби иллатларнинг оқибатларини тушунтириш, керак бўлса, бу йўлларга адашиб кириб қолаётганларни қайтариш учун биргаликда курашиш лозимлиги давр талабига айланган.

Юртимизда бундай тадбирларни уюштириш кўнгилдагидек йўлга қўйилган. Аммо уларнинг савияси, қизиқарлилигига эътироз билдириш мумкин.

Гап шундаки, тадбирлар ҳамиша кўнгилдагидек, кишилар қизиқишидан келиб чиқиб ўтказилаётир, деб бўлмайди.

Бу ўринда мақсад кимнидир қоралаш эмас, ўзимиз учун виждонан иш юритиш лозимлигини эслатиб қўйиш, холос. Акс ҳолда эрта ўтиб индинга мана шу нопок кўчага ўзимизнинг фарзандларимиз ҳам кириб қолиши ҳеч гап эмас.

***Равшан ЁҚУБЖОНОВ.***

***(Материаллар Тошкент вилоят ички ишлар бошқармасининг матбуот маркази ходимлари ёрдамида тайёрланди).***


# «ТОШКЕНТ ПОЧТАСИ»

**очиқ турдаги акциядорлик жамияти 2003 йил 12 март куни соат 10.00да Тошкент вилояти ҳокимлиги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасининг мажлислар залида акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказади**

**Кун тартиби:**

1. Почта алоқа корхонаси хўжалик фаолиятининг 2002 йил иш якунлари ва 2003 йил вазифалари тўғрисида.
2. Акциядорлик жамиятининг 2003 йил учун ишлаб чиқилган бизнес-режасини асосий кўрсаткичларни, хизмат кўрсатиш ҳажмини ва олинадиган фойдани оширишни кўзда тутган ҳолда кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тўғрисида.
3. Акциядорлик жамияти хўжалик фаолиятининг 2002 йил якунлари балансини, аудиторлик текшируви хулосаси, тафтиш гуруҳи далолатномасини тасдиқлаш тўғрисида.
4. Соф фойда тақсимланишини тасдиқлаш тўғрисида.
5. Дивиденд тўлови тўғрисида.
6. 2003 йил учун аудиторни тасдиқлаш тўғрисида.
7. Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш тўғрисида.
8. Кузатув кенгашининг 2002 йилдаги иш фаолияти тўғрисида.
9. Акциядорлик жамияти директорини 1 йил муддатга ишга ёллаш бўйича шартнома тузиш ёки уни бекор қилиш тўғрисида.
10. Акциядорлик жамияти Уставига ўзгартириш киритиш тўғрисида.
11. Акциядорлик жамияти Устав жамғармасидаги давлат улуши тўғрисида.
12. «Ўзбекистон почтаси» ДАК тузилмасидаги акциядорлик жамиятлари ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш ва қайта ташкил этиш тўғрисида.

**ҲИСОБОТ БАЛАНСИ**

| Т/р | Кўрсаткичларнинг номи | Кўрсаткичларнинг мазмуни (минг сўм) |
|---|---|---|
| 1. | Узоқ муддатли активлар | 217793 |
| 2. | Айланма активлар | 533897 |
| | **Жами активлар** | **751690** |
| 3. | Ўз маблағлари манбалари | 420669 |
| | Шу жумладан Низом жамғармаси | 50258 |
| 4. | Мажбуриятлар | 331021 |
| | **Жами пассивлар** | **751690** |

**МОЛИЯВИЙ ЯКУНЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Кўрсатилган хизматдан олинган даромад | 856382 |
| 2. | Асосий фаолиятнинг молиявий якуни | 20917 |
| 3. | Умумхўжалик фаолиятнинг молиявий якуни | 49518 |
| 4. | Соф фойда | 1741 |



Акциядорлар 2003 йил 12 март куни соат 9.00дан 9.45гача акциядорлик жамиятининг биносида рўйхатдан ўтказилади. Акциядорларни рўйхатга олиш 2003 йил 10 февралда тўхтатилди.

Кузатув кенгаши.

